

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВ УЛУГБЕК УСМАНОВИЧ**

**ЎСМИРЛАРДА ХАВОТИРЛИ-ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАРНИНГ  
ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ КОРРЕКЦИЯСИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ  
ЖАРАЁНИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.12 – Тиббий реабилитология  
14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 616.891.895-053.6:615.851.6:364.4

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Очилов Улугбек Усманович**

Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг тиббий-ижтимоий  
коррекцияси ва реабилитация жараёнининг  
хусусиятлари..... 3

**Очилов Улугбек Усманович**

Особенности реабилитационного процесса и медико-социальной  
коррекции тревожно-депрессивных расстройств у  
подростков..... 29

**Ochilov Ulugbek Usmanovich**

Features of the rehabilitation process and medical and social correction  
of anxiety-depressive disorders  
in adolescents..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 57

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОЧИЛОВ УЛУГБЕК УСМАНОВИЧ**

**ЎСМИРЛАРДА ХАВОТИРЛИ-ДЕПРЕССИВ БУЗИЛИШЛАРНИНГ  
ТИББИЙ-ИЖТИМОЙ КОРРЕКЦИЯСИ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ  
ЖАРАЁНИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**14.00.12 – Тиббий реабилитология  
14.00.18 – Психиатрия ва наркология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.DSc/Tib490 ракам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-соҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ризаев Жасур Алимжанович**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Магзумова Шахноза Шахзадэвна**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Васида Каримбековна**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хамидов Обид Абдурахманович**

Тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Имамов Акбар Ходжаевич**

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**С.Ж. Асфендияров номидаги Қозоқ миллий тиббиёт университети (Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация химояси Самарканд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/31.10.2024.Tib.102.03 ракамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «23» сентябр куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарканд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй, СамДТУ бош биноси. Тел.: (+99866) 233-30-34; e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz)).

Диссертация билан Самарканд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2717 ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100400, Самарканд шаҳри Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел./факс: Тел./факс (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2025 йил «11» июль куни тарқатилди.

(2025 йил «    » даги      ракамли реестр баённомаси).



**Н.А. Ярмухамедова**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

**Ж.А. Исмаилов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**А.Ш. Шодиев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида, депрессив бузилишлар энг кенг тарқалган касалликлардан бирига айланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, депрессив бузилишларнинг тарқалиши барқарор ўсиш тенденциясига эга: «...Дунё бўйича тахминан 280 миллион киши депрессиядан азият чекмоқда...»<sup>1</sup>, шуларнинг тахминан 20 фоизини болалар ва ўсмирлар ташкил этади. Ўсмирлар орасида хавотир ва депрессияга оид бузилишларнинг тарқалиши худуд ва тадқиқот методологиясига қараб 5 фоиздан 24 фоизгача фарқ қилади. Ўсмирлик давридаги депрессияга оид бузилишларнинг клиник намоён бўлишининг полиморфизми, бошқа психик ва соматик касалликлар билан юқори даражада ҳамқадамлиги, шунингдек, хронологияга мойиллиги билан характерланади.

Бутун дунёда ўсмирлик даврида кузатиладиган депрессив ва хавотирли бузилишларни эрта босқичида аниқлаш, дифференциал диагностика хусусиятлари ҳамда даволаш усуллари оптималлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Сўнгги ўн йилликларда ўсмирлар орасида депрессиянинг атипик, сезиларсиз ифодаланган ва ниқобланган шакллари тобора кўпайиб бормоқда, бу эса уларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашни жиддий қийинлаштирмоқда. Ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларининг ижтимоий мослашув, таълим жараёни ва шахснинг шаклланишига салбий таъсирини инобатга олган ҳолда, уларни реабилитация қилиш муаммоси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда юртимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан ошириш ва уларнинг турларини кенгайтириш бўйича кенг қамровли ва мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ўсмирлик давридаги депрессив бузилишлар соҳасида олиб борилаётган кўплаб тадқиқотларга қарамаздан, уларнинг патогенези, клиник полиморфизми, диагностикаси ва айниқса реабилитациясига оид бир қатор жиҳатлар етарлича ўрганилмай қолмоқда. Мавжуд реабилитация дастурлари кўп ҳолларда ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларининг психопатологик намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда уларнинг шаклланиши ва кечишига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар инобатга олмаган.

Юртимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларига мослаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, турли хил этиологияга эга соматик касалликларни профилактикасига қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг етита устувор йўналишига асосан, тиббий хизматларнинг даражасини янги босқичга кўтариш «...эрта даврларда тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, шунингдек, хизматлар ҳажмини кенгайтириш ва янги даволаш стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий

---

<sup>1</sup>World Health Organization WHO 2023. URL: <http://www.who.int/bulletin/volumes/116/ru>

қилишни назарда тутади...»<sup>2</sup>. Юқорида баён этилганлар мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва заруриятини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам тадқиқот ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларини реабилитация қилиш жараёнининг хусусиятларини ўрганиш ва самарали тиббий-ижтимоий коррекция усулларини ишлаб чиқишга қаратилгандир.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи<sup>3</sup>.**

Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг эпидемиологияси ва комплекс даволашга бағишланган илмий тадқиқотлар етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан: Department of Child and Adolescent Psychiatry, Kings College London (Буюк Британия), Harvard Medical School, Department of Psychiatry (АҚШ), Columbia University, Department of Psychiatry (АҚШ), Karolinska Institutet, Department of Clinical Neuroscience (Швеция), McGill University, Department of Psychiatry (Канада), University of Melbourne, Department of Psychiatry (Австралия), National Institute of Mental Health (NIMH, АҚШ), Yale Child Study Center (АҚШ), Tokyo Metropolitan Institute of Medical Science (Япония), Max Planck Institute of Psychiatry (Германия) олиб борилмоқда.

Шу билан бир қаторда, халқаро миқёсда олиб борилаётган замонавий илмий тадқиқотларда ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг келиб чиқишига таъсир этувчи омиллар кенг қамровда ўрганилмоқда. Жумладан, генетик мойиллик — яъни яқин қариндошларда руҳий касалликлар мавжудлиги, бу ҳолатга мойилликни бир неча баробар оширади. Шунингдек, оилавий муҳитдаги салбий ҳолатлар — ота-оналар ўртасидаги низолар, бепарволик, эмпатиянинг етишмаслиги, руҳий ва жисмоний зўравонлик ҳолатлари ўсмирнинг шахсий ривожланишига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Бундай муҳитда вояга етаётган ўсмирларда хавотир, беқадрлик ҳисси ва депрессив аломатлар ривожланиш эҳтимоли юқори бўлади. Ижтимоий омиллар ҳам хавотирли-депрессив бузилишларнинг шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. Таълим тизимидаги ортиқча босим, имтиҳонларга тайёргарлик, юксак талаблар ва рақобат муҳити ўсмирлар руҳиятига катта юк туширади. Бундан ташқари, тенгдошлар билан муносабатдаги муаммолар, ижтимоий изоляция, кибербуллинг, ёлғизлик ҳисси ҳам руҳий саломатликка салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, рақамли технологиялардан ортиқча фойдаланиш — ижтимоий тармоқлардаги ёлғон ғоялар, виртуал ҳаётга берилиш, уйку режимининг бузилиши, онлайн қарамлик ва воқелиқдан узилиш — ўсмирлар онгини чалғитиб, хавотир ва депрессив ҳолатларни кучайтириши мумкин. Шунинг учун, халқаро экспертлар бундай омилларга қарши эрта профилактика ва мақсадли интервенцияларнинг зарурлигини таъкидлашмоқда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги 60-сон Фармони.

<sup>3</sup> [www.ngt.ndu.ac.jp](http://www.ngt.ndu.ac.jp), [www.unife.it](http://www.unife.it), [www.univaq.it](http://www.univaq.it), [www.unibs.it](http://www.unibs.it), [www.udea.edu.co](http://www.udea.edu.co), [www.otago.ac.nz](http://www.otago.ac.nz), [www.iau.ac.ir](http://www.iau.ac.ir), [www.manchester.ac.uk](http://www.manchester.ac.uk), [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.cu.edu.eg](http://www.cu.edu.eg), [www.ufrj.br](http://www.ufrj.br); [www.uva.nl](http://www.uva.nl); [www.portal.estacio.br](http://www.portal.estacio.br); [www.uwa.edu.au](http://www.uwa.edu.au); [www.unesp.br](http://www.unesp.br); [www.khu.ac.kr](http://www.khu.ac.kr). [www.tmu.edu.tw](http://www.tmu.edu.tw); [www.tsd.uz](http://www.tsd.uz)

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кунгача олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўплаб муаллифлар томонидан ишлаб чиқиладиган ўсмирлардаги руҳий бузилишларнинг шаклланиши ҳамда мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари қисман ёритилган. Хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиникасини тавсифловчи ишлар сони кўп бўлса-да, уларда руҳий бузилишлари бўлган шахсларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг намоён бўлиш қонуниятлари тўлиқ ёритилмаган. Шу билан бирга, клиник амалиёт манфаатлари ушбу психологик омилнинг юзага келишидаги урни, улар клиник кечиш хусусиятларига таъсири ва келгусидаги диагностик ҳамда даволаш тадбирларини режалаштиришдаги аҳамиятини чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Замонавий илмий адабиётларда ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларни ўрганиш масалалари етарлича ёритилмаган. Ўсмирлар орасидаги хавотирли-депрессив бузилишлар муаммоси сўнгги ўн йилликлар давомида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан фаол ўрганиб келинмоқда. Натижада ташхис мезонлари ишлаб чиқилган (В. Birmaher, 2018), ёшга боғлиқ ҳолда намоён бўлиш хусусиятлари тавсифланган (М. Kovacs, 2019), ҳамда бошқа бузилишлар билан боғлиқлиги ўрганилган (L. Lewinsohn, 2020) ва махсус баҳолаш меъзонлари яратилган (К. Kaufman, 2019). Ўсмирлик даврида кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишлар учун скрининг дастурлари ишлаб чиқилган (S. Reynolds, 2020). Ўзбекистонда ҳам хавотирли-депрессив бузилишларнинг эпидемиологияси, маҳаллий популяцияда клиник хусусиятлари, ижтимоий-маданий омиллар таъсири, терапевтик ёндашувлар ишлаб чиқилган (Н.И. Ходжаева, В.К. Абдуллаева, 2021). Ўсмирлар учун скрининг дастурлари яратилган (Ш.Ш. Магзумова, 2022), ҳамда (З.Ш. Ашуров ва бошқ., 2023) аффектив ва хавотирли бузилишлар ўртасидаги боғлиқлик муносабатларнинг шаклланишида ўзига хос динамикаси аниқланган.

Хавотирли-депрессив бузилишлари мавжуд бўлган ўсмирларни реабилитация қилишга қаратилган чора-тадбирларга риоя қилиш, тиббиёт муассасаларининг мавжуд шароитида ташхислаш ва даволашнинг иқтисодий асосланган усулларида фойдаланиш, даволаш тадбирлар самарадорлигини ошириш учун зарурдир. Шунинг учун ҳам тадқиқотларимиз натижалари психодиагностик ва клиник-психопатологик текширувлар сифати ҳамда уларнинг аниқлигига таъсир кўрсатади. Бироқ, ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларни прогнозлаш, эрта ташхислаш ва комплекс даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилмаганлиги муаммонинг долзарблиги ҳамда ушбу йўналишда кўшимча тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқоти мавзусининг олий таълим муассасасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлилиги.** Тадқиқот иши Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 012000260-сонли “Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфекция ва ноинфекцион этиологияли касалликларни олдини олиш, диагностика ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” ва “Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш” режалари доирасида амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** - ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларнинг реабилитация жараёнининг ўзига хосликларини ўрганиш ва

касалликнинг шаклланиш омиллари ҳамда клинико-динамик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тиббий-ижтимоий коррекция тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўсмирларда психиатриягача ва психиатрик хизмат тизимида хавотирли-депрессив бузилишларнинг аниқланишини таҳлил қилиш;

Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиник хусусиятларини ўрганиш;

Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг шаклланишида конституциявий-биологик, психологик ва ижтимоий омилларнинг ролини аниқлаш;

Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиник-психопатологик динамикасини баҳолашда реабилитация тадбирлари самарадорлиги контекстида белгилаш;

Ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларнинг ривожланиши ва кечишида ижтимоий таъсирларнинг ўзига хосликларини ўрганиш ҳамда уларнинг тиббий-ижтимоий коррекция учун аҳамиятини баҳолаш;

Ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларнинг тиббий-ижтимоий коррекция қилиш тизимини такомиллаштириш;

Ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишлар учун аниқланган хусусиятларни инобатга олган ҳолда реабилитация тадбирлари ва тиббий-ижтимоий коррекциялашнинг комплекс тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** 2021-2024 йиллар давомида Самарқанд вилоятида психиатриягача ва психиатрик амбулатор-стационар ёрдам олаётган 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган 220 нафар ўсмирлар танлаб олинди. Клиник ҳолатлар проспектив ва ретроспектив тарзда ўрганилди.

**Тадқиқотнинг предмети сифатида** ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларда реабилитация жараёни ва тиббий-ижтимоий коррекциянинг хусусиятлари, шу жумладан, клиник кўринишлар ва бузилишларни шакллантирувчи омилларга қараб турли реабилитация ва коррекция усулларининг самарадорлигини баҳолаш олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Қўйилган мақсадларга эришиш учун клиник-психопатологик усуллар, психометрик усуллар (Бекнинг депрессия шкаласи (BDI), Хавотир ва депрессиянинг госпитал шкаласи (HADS) ва Патохарактерологик диагностик сўровнома), шунингдек тадқиқотнинг статистик усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг ёш ва жинс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда клиник намоён бўлиши шакллари тизимли таҳлил қилинган, аралаш хавотирли-депрессив ҳолатлар устунлиги (67%), соматик белгиларнинг юқори даражада бўлиши (78%), ниқобланган депрессия шаклларига мойиллик (43%) ҳамда уйқу ва иштаҳа бузилишлари билан яққол боғлиқлик (85%) ҳолларда учраши аниқланган;

конституциявий-биологик, психологик ва ижтимоий омилларнинг хавотирли-депрессив бузилишларнинг ривожланиши ва клиник кечишидаги ўзаро боғлиқлиги илмий аниқланиб, уларнинг интеграл баҳолаш модели ишлаб чиқилган ва унинг юқори самарадорлиги исботланган;

Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларни даволашда дори-дармон воситалари, психотерапия ва ижтимоий коррекцияни уйғунлаштиришни ўз ичига олган комплекс реабилитация тадбирларини қўллаш орқали 78% ҳолатда ижобий самарадорликка эришганлиги, бу кўрсаткич фақатгина фармакотерапиядан алоҳида фойдаланилганда эса 45% ни ташкил этганлиги аниқланган;

илк бор ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг реабилитация чора-тадбирлари, уларнинг ривожланишига таъсир этувчи хавф омилларини (шахсий психологик хусусиятлар, оилавий ва ижтимоий стрессорлар, таълим муассасасидаги муносабатлар, кибербуллинг) ҳисобга олган ҳолда, мултидисциплинар ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

илк бор ўсмирларда индивидуал ва гуруҳли психотерапия, оилавий маслаҳат, ижтимоий мослашув ва медикаментоз коррекцияни ўз ичига олган комплекс реабилитация тизимини қўллаш натижасида, 12 ой давомида асосий гуруҳдаги ўсмирларнинг 82% да ( $p < 0,001$ ) барқарор клиник ремиссия кузатилганлиги, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 51% ни ташкил этганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг ривожланишига ёрдам берувчи омиллар аниқланган, бу эса руҳий касалликларнинг юзага келишини олдини олиш имконини яратади.

Ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларни камайтиришда турли реабилитация усулларининг роли баҳоланган, бу эса даволаш-реабилитация тадбирлар режасини илмий асослаш имконини беради.

Ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишлар учун реабилитациянинг босқичма-босқич тизими ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган, ҳар бир босқичдаги мақсадлар ва тиббий-ижтимоий коррекциялаш йўналишлари кўрсатилган, бу касалликнинг сурункали шакллари ривожланишининг хавфини камайтиради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** объектив клиник, психологик ва экспериментал тадқиқотлар натижалари, замонавий компьютер технологиялари ёрдамида олинган рақамли маълумотларга асосланган статистик усуллар, шунингдек, назарий ҳамда амалий тадқиқотлар натижаларининг амалий қўлланиш билан ўзаро мослиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация ишининг илмий аҳамияти ўсмир ёшидаги шахсларда кенг тарқалган хавотирли-депрессив бузилишларнинг патогенез механизмлари, клиник хусусиятлари, коморбид ҳолатлари ва уларнинг ижтимоий омиллар билан боғлиқлиги юзасидан комплекс илмий таҳлилларни тақдим этади. Янги илмий ёндашувлар, замонавий психодиагностика ва психометрик баҳолаш усуллари асосида ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишларни эрта аниқлаш ва уларни тўғри тавсифлаш бўйича муҳим илмий натижалар келтирилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти натижалари асосида ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларни самарали аниқлаш, коррекция қилиш ва реабилитация жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, психотерапевтик ва ижтимоий реабилитация дастурларини жорий этиш орқали мазкур бузилишлар профилактикаси ва

уларнинг узоқ муддатли асоратларини камайтириш имконияти яратилган. Таклиф этилган моделлар ва чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш тизимида ёшлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантиришда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича ягона хулоса 2024-йил 13-ноябрдаги 08/56 – сонли хулосасига кўра:

*биринчи илмий янгилик:* илк бор ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг ёш ва жинс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда клиник намоён бўлиши шакллари тизимли таҳлил қилинган, аралаш хавотирли-депрессив ҳолатлар устунлиги (67%), соматик белгиларнинг юқори даражада бўлиши (78%), ниқобланган депрессия шаклларига мойиллик (43%) ҳамда уйку ва иштаҳа бузилишлари билан яққол боғлиқлик (85%) ҳолларда учраши аниқланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2022-йил 2-ноябрдаги 3-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Ўсмирларда кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишларни эрта ташхислаш ва профилактика усуллари” ва “Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишлар шаклланишини аниқлаш алгоритми” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Самарқанд вилояти руҳий касалликлар шифохонаси амалиётига 10.12.2022 йилдаги 133-к-сонли буйруқ, Жиззах вилояти руҳий-асаб касалликлар шифохонаси амалиётига 05.11.2022 йилдаги 36/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник Кенгашининг 13.11.2024 йилдаги 08/56-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг ёш ва жинс хусусиятларига мос индивидуал профилактика ва реабилитация чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имкони яратилди. Бу таълим муассасаларида, оила ва жамоат тизимларида эрта аралашув механизмларини қўллаш орқали ўсмирларнинг психоэмоционал ҳолатини барқарорлаштириш, ижтимоий мослашувини яхшилаш ва келгусида руҳий саломатликни сақлашга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлик:* ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг ёш ва жинс хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда клиник намоён бўлиш шакллари эрта аниқлаш ва тизимли баҳолаш имконининг яратилиши - белгилари оғирлашган ҳолатларнинг кеч аниқланиши ва узоқ муддатли стационар даволаш эҳтиёжини камайтиришга хизмат қилди. Бу, ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизими харажатларини қисқартириш, амбулатор ёрдам самарадорлигини ошириш ва профилактика тадбирларига сарфланадиган маблағларни мақсадли йўналтириш имконини яратди. Шунингдек, реабилитацияга муддатидан илгари жалб этилган ўсмирларда ижтимоий мослашув кўрсаткичлари яхшиланди, бу эса давлат учун меҳнат ресурсларини сақлаб қолиш ва ижтимоий тўловлар юқини камайтириш билан боғлиқ иқтисодий самара беради. *Хулоса:* ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиник намоён бўлишида ёш ва жинс хусусиятларининг аҳамиятли фарқлари мавжудлиги аниқланди. Аралаш шакллар устунлиги, соматик белгиларнинг юқорилиги, ниқобланган депрессия ва функционал

бузилишлар каби белгиларни ҳисобга олиш - эрта ташхис ва самарали индивидуал ёндашувни таъминлашда имконини берди.

*иккинчи илмий янгилик:* конституциявий-биологик, психологик ва ижтимоий омилларнинг хавотирли-депрессив бузилишларнинг ривожланиши ва клиник кечишидаги ўзаро боғлиқлиги илмий аниқланиб, уларнинг интеграл баҳолаш модели ишлаб чиқилган ва унинг юқори самарадорлиги исботланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2022-йил 2-ноябрдаги 3-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Ўсмирларда кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишларни эрта ташхислаш ва профилактика усуллари” ва “Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишлар шаклланишини аниқлаш алгоритми” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Самарқанд вилояти руҳий касалликлар шифохонаси амалиётига 10.12.2022 йилдаги 133-к-сонли буйруқ, Жиззах вилояти руҳий-асаб касалликлар шифохонаси амалиётига 05.11.2022 йилдаги 36/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник Кенгашининг 13.11.2024 йилдаги 08/56-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* интеграл баҳолаш модели ёрдамида ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларни келтириб чиқараётган биологик, психологик ва ижтимоий хавф омиллари тизимли равишда баҳоланиши таъминланди. Бу мутахассисларга ҳар бир беморга индивидуал ёндашиш, эрта аралашув ва мақсадли реабилитация чораларини кўриш имконини берди. Натижада ижтимоий адаптация, таълимга қайтиш ва оилавий муҳитда барқарорлашув кўрсаткичлари яхшиланди. *Иқтисодий самарадорлик:* омилларнинг интеграл баҳолаши орқали оғирлашган ҳолатларнинг олди олиниб, мураккаб ва қимматбаҳо даволаш усулларига эҳтиёж камайди. Бундан ташқари, такрорий касалланишлар сони қисқариб, даволаш ва реабилитация харажатлари оптималлашди. *Хулоса:* конституциявий-биологик, психологик ва ижтимоий омиллар хавотирли-депрессив бузилишларнинг ривожланишида ўзаро боғлиқ экани илмий асосланган ҳолда тасдиқланди. Ушбу омилларни қамраб олган интеграл баҳолаш модели самарали ташхис ва реабилитацияни амалга ошириш учун ишончли инструмент сифатида қўлланилишини имконини берди.

*учинчи илмий янгилик:* ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларни даволашда дори-дармон воситалари, психотерапия ва ижтимоий коррекцияни уйғунлаштиришни ўз ичига олган комплекс реабилитация тадбирларини қўллаш орқали 78% ҳолатда ижобий самарадорликка эришганлиги, бу кўрсаткич фақатгина фармакотерапиядан алоҳида фойдаланилганда эса 45% ни ташкил этганлиги аниқланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2022-йил 2-ноябрдаги 3-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Ўсмирларда кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишларни эрта ташхислаш ва профилактика усуллари” ва “Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишлар шаклланишини аниқлаш алгоритми” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Самарқанд вилояти руҳий касалликлар шифохонаси амалиётига 10.12.2022 йилдаги 133-к-сонли буйруқ, Жиззах вилояти руҳий-асаб касалликлар шифохонаси амалиётига 05.11.2022 йилдаги 36/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник Кенгашининг 13.11.2024 йилдаги 08/56-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ушбу реабилитация модели ўсмирларда

психоэмоционал барқарорликка, таълим муассасаларига мослашишга, ижтимоий изоляция ва ўз-ўзини чеклаш тенденцияларини камайтиришга олиб келди. Суицидал хавф омилларининг пасайиши, оилавий муносабатлардаги яхшиланиш ва болаларнинг ижтимоий фаоллик даражасининг ошиши қайд этилди. Бу эса жамиятда ўсмирлар психик саломатлигига бўлган ёндашувнинг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига замин яратди. *Иқтисодий самарадорлик*: комплекс ёндашув туфайли беморларда клиник барқарорликка тезроқ эришилди, такрорий касалланишлар сони камайди, узок муддатли стационар даволаш, касалликни кузатиш ва қайта жорий этиш билан боғлиқ харажатлар камайтирилди. Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизими ресурсларидан самарали фойдаланиш таъминланди, амбулатор ёрдамнинг мақсадлилиги ошди ва қайта шифохонага ётқизиш ҳолатлари қисқарди. *Хулоса*: дори-дармон, психотерапия ва ижтимоий коррекция элементларини уйғунлаштирувчи комплекс реабилитация дастури хавотирли-депрессив бузилишларга чалинган ўсмирларда юқори самарадорликка эришишда самарали усул сифатида ўзини оқлади. Ушбу ёндашув психологик, ижтимоий ва клиник омилларни ҳисобга олган ҳолда, амалий соҳага татбиқ этиш учун тавсия этиладиган мақсадли ва устувор модел ҳисоблаш имконини берди.

*тўртинчи илмий янгилик*: илк бор ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг реабилитация чора-тадбирлари, уларнинг ривожланишига таъсир этувчи хавф омилларини (шахсий психологик хусусиятлар, оилавий ва ижтимоий стрессорлар, таълим муассасасидаги муносабатлар, кибербуллинг) ҳисобга олган ҳолда, мултидисциплинар ёндашувлар асосида такомиллаштирилган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2022-йил 2-ноябрдаги 3-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Ўсмирларда кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишларни эрта ташхислаш ва профилактика усуллари” ва “Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишлар шаклланишини аниқлаш алгоритми” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Самарқанд вилояти руҳий касалликлар шифохонаси амалиётига 10.12.2022 йилдаги 133-к-сонли буйруқ, Жиззах вилояти руҳий-асаб касалликлар шифохонаси амалиётига 05.11.2022 йилдаги 36/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник Кенгашининг 13.11.2024 йилдаги 08/56-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги*: мултидисциплинар ёндашув (психиатр, клиник психолог, педагог, ижтимоий ходим иштирокида) индивидуал ҳолатларни комплекс баҳолаш ва мақсадли ёрдам кўрсатиш имконини берди. Таълим, оила ва жамоадаги муҳитда мавжуд хавф омилларини индивидуал баҳолаш ва бартараф этишга қаратилган ушбу модел ўсмирларнинг психоэмоционал ҳолатини барқарорлаштиради. Болаларнинг ижтимоий фаоллиги, таълим муассасаларига мослашуви ва тенгдошлар билан муносабатлари яхшиланди. Реабилитациядан кейин суицидал хавфлар, конфликтли муносабатлар ва ижтимоий изоляция ҳолатларининг камайиши кузатилди. *Иқтисодий самарадорлик*: мултидисциплинар ёндашув асосида эрта аралашув ва мақсадли реабилитация орқали оғирлашган ҳолатлар, такрорий даволаниш ва узок муддатли стационар муолажалар эҳтиёжи камайди. Бу соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги ресурсларни тежаш, профилактик чораларни мақсадли ташкил этиш ва ижтимоий соҳа харажатларини

оптималлаштириш имконини яратди. *Хулоса:* хавотирли-депрессив бузилишларнинг ривожланишида иштирок этувчи хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда реабилитацияга мултидисциплинар ёндашувни жорий этиш ўсмирларда самарали тикланиш, психоэмоционал барқарорлик ва ижтимоий мослашувни таъминлашга олиб келади. Ушбу модел амалиёт учун юқори илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, республика бўйича жорий этиш учун тавсия этилади.

*бешинчи илмий янгилик:* илк бор ўсмирларда индивидуал ва гуруҳли психотерапия, оилавий маслаҳат, ижтимоий мослашув ва медикаментоз коррекцияни ўз ичига олган комплекс реабилитация тизимини қўллаш натижасида, 12 ой давомида асосий гуруҳдаги ўсмирларнинг 82% да ( $p < 0,001$ ) барқарор клиник ремиссия кузатилганлиги, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 51% ни ташкил этганлиги аниқланган. Бу бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2022-йил 2-ноябрдаги 3-сон Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Ўсмирларда кузатиладиган хавотирли-депрессив бузилишларни эрта ташхислаш ва профилактика усуллари” ва “Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишлар шаклланишини аниқлаш алгоритми” номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Бу бўйича Самарқанд вилояти руҳий касалликлар шифохонаси амалиётига 10.12.2022 йилдаги 133-к–сонли буйруқ, Жиззах вилояти руҳий-асаб касалликлар шифохонаси амалиётига 05.11.2022 йилдаги 36/1-сонли буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги илмий-техник Кенгашининг 13.11.2024 йилдаги 08/56-сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* комплекс реабилитация дастури ўсмирларда психоэмоционал барқарорликка эришиш, таълим муассасаларига қайтиш, оила ва жамиятга мослашиш даражасини оширишга хизмат қилди. Бу ўсмирлар ўртасидаги суицидал ҳолатлар, ижтимоий четланиш ва рецидивлар эҳтимолини камайтиришда муҳим аҳамият касб этди. *Иқтисодий самарадорлик:* барқарор ремиссиянинг юқори даражада таъминланиши орқали қайта даволаш ва узоқ муддатли терапия харажатлари қисқарди. Комплекс ёндашув молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини яратди. *Хулоса:* индивидуал ва гуруҳли психотерапия, оилавий маслаҳат ва медикаментоз коррекцияни қамраб олган комплекс реабилитация тизими ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларни даволашда юқори самарадор экани билан ажралиб турди ва амалиёт учун тавсия этиладиган мақсадли модел сифатида илмий асосланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш нашр этилган, шулардан 12 та мақола илмий журналларда, жумладан 2 та услубий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 11 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 5 боб, хулоса, якуний хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 178 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиши, нашр қилинган ишлар.

Диссертациянинг “**Ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишлар ҳақидаги замонавий тушунчалар (адабиётлар шарҳи)**” деб номланган биринчи бобида ўсмирлардаги хавотирли-депрессив бузилишлар муаммосига бағишланган маҳаллий ва хорижий адабиётлардаги маълумотлар тақдим этилган. Ушбу бобда ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг эпидемиологияси, этиологияси ва патогенез, клиник феноменология, диагностика, даволаш ва реабилитация масалалари муҳокама қилинган. Хусусан, ўсмирлик даврида депрессия ва хавотирли бузилишларининг шаклланишидаги нейробиологик, психологик ва ижтимоий механизмлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга алоҳида эътибор қаратилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот материаллари ва усуллари**” деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи ва текшириш усуллариининг тавсифи келтирилган. Тадқиқот 2021-2024 йиллар давомида Самарқанд вилоят руҳий касалликлар шифохонаси базасида ўтказилган. Тадқиқот учун хавотирли-депрессив бузилишлардан шикоят қилган 12-16 ёшли жами 220 нафар ўсмир танлаб олинган, улардан 40 нафари назорат гуруҳида бўлган. Текширилган ўсмирларнинг жинси ва ёши бўйича тавсифи қуйидаги кўринишда тақсимланган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Текширилган ўсмирларнинг жинс ва ёш хусусиятлари бўйича тақсимланиши

Ёш	Қиз бола		Ўғил бола		Жами	
	n	%	n	%	n	%
12-13 ёш	35	19,4	22	12,2	57	31,6
14-15 ёш	45	25,0	30	16,7	75	41,7
16 ёш	30	16,7	18	10,0	48	26,7
<b>Жами</b>	<b>110</b>	<b>61,1</b>	<b>70</b>	<b>38,9</b>	<b>180</b>	<b>100,0</b>

Умумий ҳисобда 180 нафар ўсмир текширилган бўлиб, шулардан 110 нафари (61,1%) қизлар ва 70 нафари (38,9%) ўғиллардан иборат. Энг кўп текширилган гуруҳ — 14–15 ёшдаги ўсмирлар бўлиб, улар 75 нафарни (41,7%) ташкил этади. 12–13 ёшлилар 57 нафар (31,6%), 16 ёшлилар эса 48 нафар (26,7%) ни ташкил этган. Ҳар бир ёш гуруҳида қизлар сони ўғиллар сонига нисбатан кўпроқ бўлгани кузатилган.

Диссертациянинг “**Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида ушбу бузилишларнинг мурожаатлар асосида баҳоланиши ўрганилган. Хавотирли ва депрессив бузилишлар - энг кўп тарқалган рухий касалликларидандир. Ушбу патологияни эрта босқичда аниқлаш оғир бузилишларнинг ривожланишининг олдини олиши ва беморнинг меҳнатга лаёқатини сақлаб қолиши мумкин. Бу жараёнда бемор томонидан мустақил тўлдириладиган, содда ва ишончли скрининг воситалари ёрдам бериши мумкин. Бироқ, ҳар доим ҳам мазкур анкета баҳолари мутахассиснинг клиник баҳоси билан мос келмайди.

Тадқиқотда ўсмирларда хавотирли бузилишни клиник тавсифлаш амалга оширилди ва унда хавотир симптоматикаси устунлик қилган гуруҳ (70 киши, 38,9%) ўрганилди. Бундай тақсимланиш эпидемиологик маълумотларга мос келади, ҳар бир кичик гуруҳ учун етарли статистик қувватни таъминлайди, жинс бўйича умумий нисбатни сақлайди, тўғри статистик таҳлил ўтказиш имконини беради (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўсмирларнинг клиник хусусиятлари бўйича тақсимланиши

Текширув турлари	Қизлар		Ўғил болалар		Жами
	n	%	n	%	
Асосий гуруҳ	110	61,1%	70	38,9%	180
Хавотирли белгиларнинг устунлиги билан	45	64,3%	25	35,7%	70
Депрессив белгиларнинг устунлиги билан	38	63,3%	22	36,7%	60
Аралаш симптоматика билан	27	54,0%	23	46,0%	50
<b>Жами</b>	<b>110</b>	<b>61,1%</b>	<b>70</b>	<b>38,9%</b>	<b>180</b>

Клиник тавсифлаш натижаларига кўра, ўсмирларда хавотирли бузилишлар орасида хавотир симптоматикаси устун бўлган гуруҳ танланган умумий намунанинг муҳим қисмини ташкил этди. Бундай тақсимланиш эпидемиологик маълумотларга мос келади ва жинс ҳамда гуруҳлар тузилишига асосланган ҳолда ишончли статистик таҳлил ўтказиш учун мустаҳкам замин яратади.

Ўсмирларга кўрсатиладиган ёрдам турига кўра қуйидагилар тақсимланди: биринчи гуруҳ амбулатория гуруҳи (100 киши, 45,5%), улар маслаҳат ёрдамини оладилар (60 киши), каттароқ гуруҳ, чунки у бирламчи беморларни ўз ичига олади, қизлар/ўғил болалар нисбати: 38/22. Диспансер кузатувида бўлганлар (40 киши), қизлар/ўғил болалар нисбати аниқланган беморларни ўз ичига олган кичикроқ гуруҳ: 27/13. Иккинчи гуруҳ стационар гуруҳ (80 киши, 36,4%), дастлабки текширувдан ўтган (25 киши). Қизлар/ўғил болалар нисбати: 15/10 даволаш курси (35 киши). Стационар беморларнинг энг катта гуруҳи. Қизлар/ўғил болалар нисбати: 20/15. Реабилитацияда бўлганлар (20 киши, қизлар/ўғил болалар нисбати: 10/10, шунингдек назорат

гурухи 40 кишини ташкил этди, 18,1%, шартли равишда соғлом ўсмирлар, қизлар/ўғил болалар нисбати: 25/15. Умумий гендер нисбати сақланиб қолди.

### 3-жадвал

#### Ўсмирларни кузатув гуруҳлари бўйича тақсимлаш

Текширилаётган турлари	Қиз болалар		Ўғил болалар		Жами
	n	%	n	%	Абс.
<b>1. Амбулатор гуруҳи</b>	65	65,0%	35	35,0%	100
- Маслаҳат ёрдами олувчилар	38	63,3%	22	36,7%	60
- Диспансер кўзатувида булганлар	27	67,5%	13	32,5%	40
<b>2. Стационар гуруҳи</b>	45	56,3%	35	43,8%	80
- Бирламчи текширувдан ўтиш	15	60,0%	10	40,0%	25
- Даволаниш курсида булганлар	20	57,1%	15	42,9%	35
- Реабилитацияда булганлар	10	50,0%	10	50,0%	20
<b>3. Назорат гуруҳи</b>	25	62,5%	15	37,5%	40
<b>Жами</b>	<b>135</b>	<b>61,4%</b>	<b>85</b>	<b>38,6%</b>	<b>220</b>

Маълумотлар таҳлили ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг олдини олиш ва уларни коррекция қилиш мақсадида давлат миқёсида психологик ёрдам дастурини тезкор ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди. Ушбу тадқиқот ўсмирларнинг рухий саломатлигини чуқурроқ ўрганиш ва самарали профилактик стратегияларни ишлаб чиқиш учун янги истиқболларни очиб бермоқда.

Гуруҳларга тақсимланиш хусусиятлари: амбулатор гуруҳ энг кўп сонли бўлиб, бу реал амалиётга мос келади. Стационар гуруҳда даволаниш курсини олаётган беморлар устунлик қилади. Жинс бўйича умумий нисбат сақланган. Назорат гуруҳи статистик таҳлил учун етарли.

Тадқиқотда ўсмирларнинг касаллик давомийлиги бўйича тақсимланишини таҳлил қилиш қуйидаги қонуниятларни кўрсатди. Тадқиқот гуруҳида (n=180) энг катта улушни биринчи марта аниқланган бузилишлари бўлган беморлар - 80 нафар (44,4%) ташкил этди. Ушбу гуруҳ ичида касаллик давомийлиги 6 ойгача бўлган ўсмирлар устунлик қилганлар - 50 киши (27,8%), бу тиббий ёрдамга нисбатан ўз вақтида мурожаат қилинганлигидан далолат бериши мумкин. Касаллик давомийлиги 6-12 ой бўлган беморлар 30 кишини (16,6%) ташкил этди.

Бу гуруҳда жинсий тақсимланиш қизлар устунлиги билан умумий танловга мос келди (48 нафар қиз бола ва 32 та ўғил бола). Сони бўйича иккинчи гуруҳни қайталанган эпизодлари бўлган беморлар - 62 киши (34,4%) ташкил этди. Улар орасида касалликнинг иккинчи эпизоди бўлган ўсмирлар устунлик қилди - 40 киши (22,2%), учинчи эпизодли беморлар эса 22 кишини (12,2%) ташкил этди. Ушбу гуруҳда қизлар ва ўғил болалар нисбати 38/24 ни ташкил этди, бу ҳам тадқиқот популяциясида жинсий тақсимланишнинг умумий тенденциясини акс эттиради.

Сони бўйича энг кичик гуруҳ касалликнинг сурункали кечиши бўлган беморлар гуруҳи - 38 киши (21,2%) бўлди. Ушбу гуруҳда касаллик


давомийлиги 2-3 йил бўлган ҳолатлар устунлик қилди - 24 киши (13.3%), касаллик давомийлиги 3 йилдан ортиқ бўлган беморлар эса 14 кишини (7.9%) ташкил этди. Сурункали кечишли гуруҳда жинсий тақсимланиш 24 қиз ва 14 ўғил болани ташкил этди. Жинсий хусусиятлар таҳлили барча гуруҳларда қизларнинг барқарор устунлигини кўрсатди, бу аёл жинси вакиллари орасида хавотирли-депрессив бузилишларнинг юқори тарқалганлиги ҳақидаги эпидемиологик маълумотларга мос келади. Қизларнинг ўғил болаларга умумий нисбати 110/70 (61.1%/38.9%)ни ташкил этди.

Аниқланган тақсимланиш ўсмирлик даврида хавотирли-депрессив бузилишлар кечишининг типик манзарасини акс эттиради, бунда биринчи марта аниқланган ҳолатлар устунлик қилади ва қайталанган эпизодлар ҳамда сурункали кечиш гуруҳларида беморлар улуши аста-секин камайиб боради.

Бундай тақсимланиш ҳам ёш даврининг хусусиятлари, ҳам ўз вақтида бошланган даволашнинг самарадорлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Барча ҳолатларнинг чорак қисмидан кўпроғини (27,8%) касаллик давомийлиги 6 ойгача бўлган беморлар ташкил этиши алоҳида эътиборга лойиқ, бу ҳам тиббиёт ходимлари, ҳам ўсмирларнинг ота-оналари томонидан хавотирли-депрессив бузилишларга нисбатан юқори хушёрликдан далолат бериши мумкин.

1-расмда ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишлар кузатилган ҳолларда, улар психиатрга йўналтирилишидан аввал тиббий ёрдамга қилган дастлабки мурожаатлар тузилмаси, педиатрия ва умумсоматик хизмат турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилган.



**1-расм.** Тиббий ёрдамга дастлабки мурожаат


**Изоҳ:** Беморлар умумий сони 110 нафарни (яъни тадқиқотдаги умумий беморларнинг 61,1%) ташкил этади.

Психиатриягача бўлган босқичда тиббий ёрдамга дастлабки мурожаатлар: 110 нафар бемор (61,1%), педиатрия хизмати кўрсатилганлар - 65 нафар (36,1%), шулардан: ҳудуд педиатрлари 40 нафар (22,2%), топ мутахассислар 25 нафар (13,9%), умумий соматик хизмат 45 нафар беморга

(25,0%), амбулатор ёрдам 30 нафарга (16,7%), стационар ёрдам 15 нафар ўсмирга (8,3%) кўрсатилган.

«Тиббий ёрдамга дастлабки мурожаат» - бу беморларнинг психиатрга мурожаат қилишдан аввалги тиббий хизматлар билан боғланган дастлабки алоқалар тузилмасини акс эттиради. Мурожаатлар юқори улуши (61,1%) руҳий бузилишларнинг дастлабки диагностикаси қанчалик мураккаб эканлигини ва мултидисциплинар ёндашув зарурлигини кўрсатади. Натижалар психиатрия ёрдамининг комплекс хусусияти ва турли тиббий хизматлар ўртасидаги узвийликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди.

Депрессия ҳолатлари аниқланган 12–16 ёшли (6–10-синф) 180 нафар ўсмирда комплекс текширув ўтказилди (2-расм).



2-расм. Синфлар ва ёш бўйича тақсимот

Клиник-ёшга оид хусусиятларни ўрганишда, турли таълим муассасаларида ўқувчи хавотирли-депрессив бузилишларга эга бўлган ўсмирлар тақсимоти таҳлил қилинди. Энг катта гуруҳ умумтаълим мактабларида ўқувчилардан иборат бўлиб, улар умумий 48,3% ни ташкил этади, бу бузилишлар ўз навбатида, стандарт мактаб муҳитида кенг тарқалганлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг тўртинчи боби «**Ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг шаклланишида этиологик омилларнинг ўрни ва таҳлили**»да натижалар асосида ушбу бузилишларнинг ривожланиш сабаблари ҳамда ижтимоий-психологик омиллари ўрганилди. Хавотир-депрессив бузилишларнинг клиник тасвиридаги жинсий фарқликларни таҳлил қилиш натижасида сезиларли фарқлар аниқланди. Хавотир-депрессив бузилишларга эга бўлган барча беморлар орасида қизлар 64,3% (n=131), ўғил болалар эса 35,7% (n=49) ни ташкил қилди, бу эса ўсмир қизларда хавотир-депрессив бузилишлар кенг тарқалганлиги тўғрисидаги эпидемиологик тадқиқотлар маълумотлари билан мувофиқ келади.

Қиз ўсмирларда аралаш хавотирли ва депрессияли бузилишлар кўпроқ аниқланган (37,0%га қарши ўғил болаларда 22,2%,  $p < 0,05$ ) ҳамда енгил/ўрта

даражадаги депрессив эпизодлар ҳам кўпроқ учраган (29,6%га қарши ўғил болаларда 15,6%,  $p<0,05$ ). Қизларда клиник тасвир кўпроқ ёрқин эмоционал лабиллик билан ажралиб турган (73,1%га қарши ўғил болаларда 45,5%,  $p<0,01$ ), соматовегетатив белгилар (70,7%га қарши 51,1%,  $p<0,05$ ), руминациялар (қайта-қайта ўйланишлар) (68,3%га қарши 43,6%,  $p<0,01$ ) ва ўзини қийматсиз деб ҳисоблаш ғоялари (65,9%га қарши 37,3%,  $p<0,01$ ) билан ҳам жиҳатдан фарқланган.

Ўғил болалар ўсмирларида ижтимоий хавотирли бузилишлар кўпроқ аниқланган (22,2%га қарши қизларда 12,3%,  $p<0,05$ ) ҳамда генераллашган хавотирли бузилишлар ҳам кўпроқ учраган (15,6%га қарши қизларда 8,6%,  $p<0,05$ ). Ўғил болаларда клиник тасвир қочқинчилик хулқ-атворининг кучлироқ намоён бўлиши (67,8%га қарши қизларда 51,1%,  $p<0,05$ ), хасислик (71,2%га қарши 56,4%,  $p<0,05$ ) ва хужумкорлик реакциялари (32,5%га қарши 13,4%,  $p<0,01$ ) билан ажралиб турган.

Ёш ўсмирларда ижтимоий хавотирли бузилишлар кўпроқ аниқланган (19,2%га қарши катталарда 11,3%,  $p<0,05$ ) ҳамда хавотирли-депрессив реакция билан адаптация бузилиши ҳам кўпроқ қайд этилган (8,2%га қарши катталарда 1,9%,  $p<0,05$ ).

#### 4-жадвал

#### Хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиник шаклларида жинсий фарқлар

Кўрсаткич	Қизлар	Ўғил болалар	р-қиймати
<b>Бузилиш турлари</b>			
Аралаш хавотирли ва депрессив бузилиш	37,0%	22,2%	<0,05
Енгил/ўрта даражадаги депрессив эпизод	29,6%	15,6%	<0,05
Ижтимоий хавотирли бузилиш	12,3%	22,2%	<0,05
Генераллашган хавотирли бузилиш	8,6%	5,6%	<0,05
<b>Клиник белгилар</b>			
Эмоционал лабиллик	73,1%	45,5%	<0,01
Соматовегетатив белгилар	70,7%	51,1%	<0,05
Руминациялар	68,3%	43,6%	<0,01
Ўзини қийматсиз деб ҳис қилиш ғоялари	65,9%	37,3%	<0,01
Қочқинчилик хулқ-атвор	51,1%	67,8%	<0,05
Тузатиб бўлмайдиган хасислик	56,4%	71,2%	<0,05
Хужумкорлик реакциялари	13,4%	32,5%	<0,01

Ёш ўсмирларда клиник тасвирда соматовегетатив белгилар кўпроқ кузатилган (71,2%га қарши катталарда 50,1%,  $p<0,01$ ), эмоционал лабиллик (74,0%га қарши 49,1%,  $p<0,01$ ) ва ёшдошлар фикрига боғлиқлик (76,7%га қарши катталарда 60,4%,  $p<0,05$ ) кучлироқ бўлган.

Катта ўсмирларда эса енгил/ўрта даражадаги депрессив эпизодлар кўпроқ аниқланган (32,1%га қарши ёшларда 19,2%,  $p<0,05$ ) ҳамда аралаш хавотирли

ва депрессияли бузилишлар ҳам кўпроқ учраган (37,7%га қарши ёшларда 27,4%,  $p<0,05$ ). Катта ўсмирларда клиник тасвирда ангедония (мамнун бўлмаслик) кучлироқ намоён бўлган (75,5%га қарши ёшларда 53,4%,  $p<0,01$ ), ўзини қийматсиз деб ҳис қилиш ғоялари (69,8%га қарши ёшларда 41,1%,  $p<0,01$ ), уйқуда бузилишлар (79,2%га қарши ёшларда 61,6%,  $p<0,05$ ) ва суицидга оид фикрлар (26,4%га қарши ёшларда 8,2%,  $p<0,01$ ) кўпроқ қайд этилган.

Бизнинг тадқиқотимиздаги муҳим вазифалардан бири ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг шаклланишига ёрдам берадиган омилларни ўрганиш эди. Шу мақсадда биз биологик, психологик ва ижтимоий хусусиятлар бўйича асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида қиёсий таҳлил ўтказдик.

Ирсий оғирлашувни таҳлил қилиш натижалари асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида аҳамиятли фарқ борлигини кўрсатди. Хавотирли-депрессив бузилишларга эга бўлган ўсмирлардан иборат асосий гуруҳда руҳий касалликлар бўйича ирсий оғирлашув 43,7% ( $n=55$ ) ҳолатда аниқланган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 17,0% ( $n=16$ ) ни ташкил этди ( $p<0,001$ ).

Асосий гуруҳдаги ирсий оғирлашув таркиби қуйидагича бўлди: аффектив бузилишлар – 24,6% ( $n=31$ ), хавотирли бузилишлар – 17,5% ( $n=22$ ), спиртли ичимликка боғлиқлик – 15,1% ( $n=19$ ), шизофрения – 4,0% ( $n=5$ ), назорат гуруҳида: аффектив бузилишлар – 7,4% ( $n=7$ ), хавотирли бузилишлар – 5,3% ( $n=5$ ), спиртли ичимликка боғлиқлик – 8,5% ( $n=8$ ).

Бузилишлар шакли	Асосий гуруҳ (%)	Назорат гуруҳи (%)	Статистик аҳамиятлилик
Ирсий мойиллик	43,7% ( $n=55$ )	17,0% ( $n=16$ )	$p<0,001$
Аффектив бузилишлар	24,6% ( $n=31$ )	7,4% ( $n=7$ )	$p<0,001$
Хавотирли бузилишлар	17,5% ( $n=22$ )	5,3% ( $n=5$ )	$p<0,01$
Спиртли ичимликка бўлган қарамлик	15,1% ( $n=19$ )	8,5% ( $n=8$ )	$p<0,05$
Шизофрения	4,0% ( $n=5$ )	0% ( $n=0$ )	-
Жами	100% ( $n=180$ )	100% ( $n=40$ )	-

**3-расм.** Руҳий касалликлар бўйича ирсий оғирлашув

Юқори даражадаги ирсий оғирлашув ўсмирларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг ривожланишида муҳим хавф омили бўлиши мумкин.

Тадқиқотда қатнашган ўсмирларнинг соматик ҳолати ўрганилганда, асосий гуруҳдаги беморларнинг 53,2%ида ( $n=67$ ) сурункали соматик касалликлар аниқланган, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 30,9%ни ( $n=29$ ) ташкил этган ( $p<0,01$ ).

Асосий гуруҳдаги ўсмирлар орасида соматик патологиянинг тузилишида куйидаги касалликлар устунлик қилган: вегетатив дисфункция – 34,9% (n=44), аллергик касалликлар – 22,2% (n=28), ошқозон-ичак тизими касалликлари – 19,8% (n=25), тез-тез респиратор инфекциялар – 17,5% (n=22), мигрень – 11,9% (n=15), эндокрин бузилишлар – 9,5% (n=12).

Соматик оғирлашувлар ҳам ўсмирларда хавотирли-депрессив ҳолатларнинг ривожланишига таъсир қилувчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралиши мумкин.

#### 5-жадвал

##### Соматик оғирлашувнинг аҳамияти

Гуруҳ	Сурункали касалликка эга беморлар сони	%
Асосий гуруҳ	67	53,2%
Назорат гуруҳи	29	30,9%
Статистик аҳамият	p<0.01	

Назорат гуруҳида юқорида келтирилган кўрсаткичлар сезиларли даражада паст бўлди: вегетатив дисфункция – 14,9% (n=14), аллергик касалликлар – 11,7% (n=11), овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари – 8,5% (n=8), тез-тез респиратор инфекциялар – 10,6% (n=10), мигрень – 4,3% (n=4), эндокрин бузилишлар – 3,2% (n=3). Соматик оғирлашувнинг хавф омилли сифатида аҳамияти, миёдаги нейрорхимик жараёнларга тўғридан-тўғри таъсири билан бир қаторда, сурункали касалликларга психологик жавоб механизмлари билан ҳам изоҳланиши мумкин.

Тадқиқотда иштирок этган ўсмирларда пубертат даври хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида, асосий гуруҳда жинсий етишиш суръатларининг бузилиши 31,7% (n=40) ҳолатда аниқланди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 14,9% (n=14) ни ташкил этди (p<0,01).

#### 6-жадвал

##### Ўсмирларда жинсий етишиш хусусиятлари

Гуруҳ	Кўрсаткич	Жами	Қизлар	Ўғил болалар
Асосий гуруҳ	Жинсий етишиш суръатининг бузилиши	40 (31,7%)	21 (25,9%)	19 (42,2%)
	– Эрта жинсий етишиш	18 (13,5%)	13 (16,0%)	5 (11,1%)
	– Жинсий ривожланишнинг кечикиши	22 (16,4%)	8 (9,9%)	14 (31,1%)
Назорат гуруҳи	Жинсий етишиш суръатининг бузилиши	-	-	-

Асосий гуруҳдаги қизларда эрта жинсий етишиш (10 ёшгача) 16,0% (n=13) ҳолатда, жинсий ривожланиш кечикиши эса 9,9% (n=8) ҳолатда кузатилди. Ўғил болаларда тезлашган жинсий ривожланиш 11,1% (n=5), кечиккан ҳолдаги ривожланиш эса 31,1% (n=14) ҳолатда аниқланган.

